

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎҒИРЛИК
ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА СОҲАВИЙ
ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДАГИ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР**

Мадетов Фаррух Оразалы улы

Ички ишлар вазирлиги Академияси 310-гуруҳ курсанти

Утепов Дилмурод Шералиевич

*ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси*

*Ватанга ва ҳалққа садоқат билан
хизмат қилиш – олий бурчимиз!
Ш.М.Мирзиёев*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш тушунчаси, моҳияти, мақсади ҳамда профилактика инспекторининг ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини ташкил этишдаги муаммолар келтирилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, ўғирлик, соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик, ҳамкорликни ташкил этиш, ҳамкорликнинг асосий йуналишлари.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Республикамизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан кўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди».

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг олдига алоҳида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон берди.

Ўзбекистон Республика Президентининг «Бирлашсак – халқмиз, бир бўлсак- Ватанмиз» - деп айтилган сўзи халқимизни, давлатимизни ҳар бир соҳада биргалашиб, ҳамкорликда иш олиб боришга даъват этади. Айниқса, Ички ишлар соҳасида жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳамкорлик- муайян бир соҳада бирон бир ишни ёки фаолиятни амалга оширишда биргалашиб ишлаш, бажариш ёки бирлашишдир.

В.А.Афанасьев ҳамкорликка қуйидагича таъриф беради. «**Ҳамкорлик** бу қонун ва қонун ости актларда асосланган, вазифалар, йўналишлар ва вақтлар билан келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликлар шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи милиция (ички ишлар органлари)нинг куч ва воситаларидан ҳамкорликда фойдаланиш тушунилади».

Ҳуқуқбузарлик профилактикасидаги фаолиятида ҳамкорлик – бу маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш, ўзининг хулқи, ҳаёт тарзи бўйича жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тарбиявий профилактик таъсир кўрсатиш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча субъектларнинг қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориши жараёнидир.

Профилактика инспекторининг ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг **мақсади** ҳудуднинг криминоген вазиятини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мулкани ҳар қандай тажовузлардан кўриқлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборатдир.

Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлар билан

ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, *биринчидан*, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатлари амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига, *иккинчидан*, уларнинг бу йўналишдаги

фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига, *учинчидан*, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига, *тўртинчидан*, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлигига боғлиқ.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини ички ишлар органларининг қуйидаги соҳавий хизматлари ходимлари билан узлуксиз ҳамкорликда олиб боради:

- жиноят қидирув хизмати ходимлари;
- терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати ходимлари;
- терговчилар;
- патруль-пост хизмати нарядлари ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;
- йўл-патруль хизмати ходимлари;
- миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари;
- пробация хизмати ходимлари;
- транспортда хавфсизликни таъминлаш хизмати ходимлари;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимлари.

Профилактика инспекторининг ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пунктида ҳисобда турган ўта хавfli рецидивистлар, муқаддам судланганлар ва маъмурий назоратда бўлган шахсларнинг рўйхатини юритиб, бу борада ушбу шахсларнинг турмуш тарзи, ҳаёт шароитлари, юриш туришлари бўйича жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ўзаро ахборот алмашишда;

- соҳавий хизматлар ходимлари биргаликда жиноий тузилмалар тўпланадиган ва ўғирлик моллар ўзлаштириладиган жойларда тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширишда;

- патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати таркибига кирувчи туман, шаҳар ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари ҳамда бошқа профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда ишни олиб бордилар.

Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, тезкор вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокациясини ишлаб чиқиш,

шунингдек туман, шаҳар ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифларни киритиш ва уни тайёрлаш;

иккинчидан, ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартибини сақланишини таъминлаш;

Профилактика инспектори билан пробация ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

биринчидан, ҳудудда ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш, бундай тоифадаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиш, улар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик мазмундаги чора-тадбирларни амалга оширишда ўз аксини топади.

Профилактика инспектори ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда турли хил ўғриликларнинг олдини олиш мақсадида, уларда жойлашган ғазнахоналарнинг, компьютер техникалари жойлашган хоналарнинг эшик ва деразаларида темир панжаралар ўрнатилишини таъминлаш мақсадида ушбу ташкилотлар маъмурияти ҳамда «Кўриқлаш» хизмати ходимлари ҳамкорлигида далолатномалар тузади ва бу тадбирларнинг таъминланишини назорат қилади, шунингдек, уларга мол- мулкни кўриқловга топширишга таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналиш ва принциплари, ички ишлар органларининг тизими ва ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган. Қонуннинг ҳар бир нормаси мазмун-моҳиятига кўра уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади.

Ўтган даврда мазкур қонун асосида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича иккита қонун, Президентнинг 26 та, Вазирлар Маҳкамасининг 34 та қарори ва қатор бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Афсуски, бугунги кунда профилактика инспекторларида бир қанча муаммолар учраб турибди: профилактика инспекторларининг фаолияти учун

ажратилган вақтнинг асосий қисми маъмурий ҳудудда эмас, балки ИИБ биносида ўтиши ҳозирда ҳам айрим ИИБда давом этмоқда. Баъзи ИИБ раҳбар, масъул ходимлар томонидан ҳар куни ПИларини йигилишларда эрталаб соат 10.00 11.00 гача, кечкурун 22.00 дан 23.00гача ушлаб қолиш ҳолатлари уларга вазифаларни бажариш учун ажратилган вақтнинг етишмаслигига ва иш сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Мазкур муаммони ечиш учун раҳбарлар томонидан Таянч пунктларини мобилъ бошқариш тизимига ўтиш, яъни радиоалоқа воситалари, замонавий компьютер технологиялари ва дастурий таъминот ёрдамида тегишли кўрсатмаларни бериш ҳамда ижросини назорат қилиш тартибини жорий этиш лозим.

Бундан ташқари, баъзи профилактика инспекторларида юридик билимнинг етишмаслиги, етишса ҳам амалда қўллай олмаётганлиги ачинарли ҳолат.

Бу эса республикада ички ишлар органлари профилактика инспекторлари фаолиятига илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, ИИОлари ҳуқуқ-тартибот масканлари негизида ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2021. – 8 дек.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2024.

3. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. М. 1990., С.- 38.

4. Исмаилов.И Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш. Юрид. фан. доктори. Дис.-Т., 2006. - 30-б.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 июндаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);

6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички

ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

8.Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25- августдаги 191-сон буйруғи. 2017. – Б. – 15.